

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Давлатобод тумани Ободонлаштириш

бонқармаси бошлиғи

Д.Вохисов

июнь 2022 йил



# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

(техническое задание)

Давлатобод тумани Ижодкор МФЙ худудидаги  
ирригация тизимини мукаммал таъмирлаш ишлари


**БҮЮРТМАЧИ:** Давлатобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Наманган-2022

**Давлатобод тумани Ижодкор МФЙ худудидаги ирригация тизимини мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

<b>№</b>	<b>Асосий талаблар (основный требования)</b>	<b>Асосий маълумот ва талаблар (основный информация и требования)</b>
1.	Буюртмачи (заказчик)	Давлатобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси
2.	Тўлов шартлари (условия оплаты)	30% тўлов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида амалга оширилади. Колган 70% тўлов хизмат курсатиш якунлангандан сўнг 5 кун ичида амалга оширилади. (100% предоплата производится в течении 2 дней после подписания договора сторонами и регистрации договора в Казначействе МФ РУз)
3.	Тўлов валютаси (валюта платежа)	Миллий валюта – сўм (сум)
4.	Хизмат кўрсатиш шартлари (условия оказания услуг)	Техник топшириклар мижознинг манзилида амалга оширилиши лозим. (согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)
5.	Хизмат кўрсатиш вақти (срок поставки)	2022 йил июль ойининг учинчи ўн кунлиги
6.	Молиялаштириш манбаи (источник финансирования)	Бюджет
7.	Танлов шартлари (условия выбора)	Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.



**Давлатобод тумани Ижодкор МФЙ худудидаги  
ирригация тизимини мукаммал таъмирлаш ишлари  
учун хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаш бўйича**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**БУЮРТМАЧИ:** Давлатобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси

**Наманган-2022**

## **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ**

### **1.1. Товар ва хизматларнинг характеристикаси**

№	Номи	миқдори
1	Давлатобод тумани Ижодкор МФЙ худудидаги ирригация тизимини мукаммал таъмирлаш ишлари	Хизмат

**1.2.** Танлов қиймати **134 751 382** (бир юз ўттиз тўрт миллион етти юз эллик бир минг уч юз саксон икки) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.3.** Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан хизмат кўрсатувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

**1.4.** Хизмат курсатиш муддати шартнома имзоланган қундан бошлаб 10 календар қун.

**1.5.** Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган қундан бошлахисобланади.

## **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1.** Давлатобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси “(бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчisi ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Давлатобод тумани Аэропорт кўчаси 1 уй

**2.2.** Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

**2.3.** Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конуний тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёкат ва ваколатлар; танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (*50 фоиздан кам бўлмаган холда*);

Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялашириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БҮЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларида қуидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БҮЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган и шва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

**4.4.** Қуидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор кабул қилиш бўйича мажбурдир.

**5.3.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор вабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн

кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишига хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.